

Тошкент ислом институти қошидаги «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курсининг 40-давра ўқиши бошланди



17:42 / 07.10.2023 1345

Тошкент ислом институти қошидаги «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курсининг навбатдаги 40-давра тингловчилари ўқишни бошладилар.

Шу муносабат билан «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курси бўлим бошлиғи Жаҳонгир қори Рўзиев, ходим Нуруллоҳ Сайдуллаев ва гуруҳ ўқитувчиси янги тингловчилар билан учрашув ўтказилди.

Уларга Жаҳонгир қори Неъматовнинг «Алиф-Йо» тажвид ўқув қўлланмаси топширилди.

Ўқув курси рўйхатига ёзилиш учун қабул ҳафтанинг ҳар шанба куни соат 09:00-14:00 га қадар бўлиб ўтмоқда. 18 ёшдан юқори фуқаролар ҳужжат топшириш учун ўзлари билан паспорт нусхаси олиб келиши талаб этилади.

Рўйхатдан ўтгач, навбат билан тингловчилар ўқишга чақириладилар. 3 ойлик курснинг тўлови 1 320 000 сўмни ташкил қилади. Ҳафтасига 3 кун, эрталабки ва пешиндан кейинги вақтларда дарслар ўтилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зарқайнар 18-берк кўча, 47-уй. (<https://goo.gl/maps/Ng8xP1yVfjwJvB3e7>)

71-227-23-47

Пойтахт ва вилоятларда: 11та филиаллар (<https://t.me/oliymahad/21683>)



